

Таълим йўналишларининг “Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг гидравлик тизимлари” фани учун ўқув материаллари ишлаб чиқиш бўйича консультант хизматлари (қизиқишни билдириш учун сўров)

**Таълим йўналишларининг “Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг гидравлик тизимлари” фани учун ўқув материаллари ишлаб чиқиш бўйича консультант хизматлари (қизиқишни билдириш учун сўров)**

**Ташкилот/Институт/Компания:** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

**Лойиҳа номи:** Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш

**Лойиҳа ID:** АИФ 2/16

### **ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ БЎЙИЧА КОНСУЛЬТАНТ ХИЗМАТЛАРИ**

ТИҚХММИ Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида Академик инновациялар фондининг “Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга оширмақда ва лойиҳа маблағларининг маълум бир қисмини консультант маслаҳатчи хизматлари учун сарфланиши режалаштирилган.

Консультант маслаҳатчи хизматлари Қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналишларида ўқитилиши режалаштирилган “Тракторлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналарининг гидравлик тизимлари” фани учун ўқув материаллари ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Ўқув материаллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишларни 18.10.2021й - 18.12.2021й оралиғида бажарилиши режалаштирилган.

ТИҚХММИ консультантлар ёки ташкилотлар/компанияларни юқоридаги хизматларни кўрсатиш учун қизиқишларини билдиришга таклиф қилади. Ўқув материаллари қуйидагиларни ўз ичига олади, лекин фақат шулар билан чегараланмайди:

- фанни намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, календар режа
- маърузалар тўплами/курси
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини бажариш учун услубий кўрсатма ёки тавсиялар
- мустақил таълим бўйича услубий кўрсатма ёки тавсиялар
- маъруза мавзулари бўйича презентациялар
- талабалар билимини текшириш учун тестлар

Консультант Жаҳон банкининг "Жаҳон банкдан қарз олувчилар томонидан консультантларни танлаш ва ишга олиш" (жорий нашр) қўлланмасида келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ танланади.

Ўқув материалларини ишлаб чиқишга қизиқиш билдирган номзодлар ёки ташкилотлардан таклифларни (хужжатлар тўпламини) 2021 йил 16 октябрга қадар муҳрланган конвертда лойиҳа офисига етказилишини таъминлаши сўралади. Хужжатлар тўпламида фан учун режалаштирилаётган маъруза ва амалий лаборатория ишлари мавзулари мундарижаси, ишни

ташқил қилиш бўйича қисқа режа ва бюджет, номзод консультант ёки ташкилот ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари ёки устав, CV/маълумотнома, дипломлари, сертификатлари ва бошқа ҳужжатлар нусхалари) бўлиши керак.

Қизиқиш билдирган консультантлар қуйида келтирилган электрон почта ёки телефон орқали қўшимча маълумотлар олиши мумкин.

**Манзил:**

ТИҚХММИ, В-бино, В-306, 310 хоналар

Қори Ниязов кўчаси 39 уй

Тошкент, 100000 Ўзбекистон

Телефон: 998 71 237 2534

E-mail: [aif-agr-eng@tiame.uz](mailto:aif-agr-eng@tiame.uz)

Вебсайт: <http://international.tiame.uz/ru/page/Oliy%20ta'limni>

Техник координатор: Мансур Амонов